

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 30-NOYABR ■ SESHANBA ■ 142 (27.317) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

мамлакатимиз сиёсий майдонида пайдо бўлган дастлабки кунидан бошлаб иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш тарафдори эканини эълон қилиб, ушбу эзгу ғоялар учун кураш олиб бормоқда. Аини чоғда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоя этишни ўзининг асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда ХДПдан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар, партия минтақавий кенгашлари раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, профессор Файзулла Мўминов сайлов кампанияси жараёнида ОАВдан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари тўғрисида сўзлаб, бу борадаги қонунчилик асослари ва чет эл тажрибаси ҳақида қизиқarli маълумотлар берди. Семинарда сайлов округларида сайловолди кампаниясини муваффақиятли ташкил этишнинг тактика ва стратегияси ҳақида сўз юритилди ва сайловларда ғолиб чиқишнинг халқаро миқёсда тан

олинган демократик ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ҳақида фикрлар билдирилди.
— Сайловнинг демократик тарзда ўтиши, — деб



СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

таъкидлашди нотиклар — кўп жиҳатдан сайловчиларга боғлиқ. Сайловлар

нинг тақдирини ҳам улар белгилайди. Жамиятнинг сиёсий институтлари улар

нинг иродаларини ҳурмат қилишлари керак.

«Фото-Пресс» агентлиги директорининг ўринбосари И.Абдуганиев сайловолди кампанияси ва унда кўргазмалар ташвиқот воситаларидан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари, қоидалари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Тadbирда ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Рустамов «Ўзбекистон ХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти: 2004 йил сайловларида партия сиёсий нуқтаи назарининг асосий жиҳатлари» мавзусида маъруза қилди. Йиғилганларнинг бу борадаги саволларига жавоб берди.

ЎзХДП МК котиби Собиржон Усмонов, «Ўзбеки-

стон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остоновларнинг чиқишлари сайлов округларида ташвиқот-тарғибот ишларини ташкил этиш, партия нашрларининг номзодлар ва партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.

Шунингдек, семинар-тренингда ФЖУИ директори ўринбосари Баҳодир Эргашев, АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Глауб ҳам қатнашиб ўз фикрларини билдирдилар.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар



Кўриш чизиғи

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь кuni эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 30 ноябрь кuni соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 30 ноябрь кuni соат 16.30 да бўлади.

Олий Мажлисида 1 декабрь кuni соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ,
ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ,
ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ
БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ
БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИК



САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ КИТОБЛАР

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Сайлов: Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни» (Б.Мустафоев, Ҳ.Авезов) қисқача изоҳли лугати ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола этилди. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан ушбу лугатда демократик сайлов жараёнида қўлланиладиган олтинчи яқин тўшунчаларнинг изоҳи содда ва раво услубда баён қилинган.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур китобда, хусусан, «Имзо ва-рақаси», «Мажоритар сайлов ти-

зими», «Пассив сайлов ҳуқуқи», «Сайловни тайинлаш», «Сайлов кампанияси», «Сайлов бюллетени», «Сайловолди ташвиқоти», «Такрорий сайлов», «Хорижий (халқаро) кузатувчи» ва «Электротар» каби сўз ва иборалар му-тахассислар томонидан батафсил изоҳланган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Б.Мустафоевнинг «Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари — Legal Foundations of free Democratic Elections — Правовые основы свободных демок-

ратических выборов» китобини ҳам уч тилда кўп миң нусхада нашрдан чиқарди.

Рисолада сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда икки палатали парламентга номзод кўрсатишда иштироки, Сенат аъзолари сайловининг хусусиятлари ҳақида а-трофлича сўз юритилади.

Лозиз РАҲМАТОВ,
ЎзА мухбири

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

МДХ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар ва-зирлиги Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро тер-рорчиликка ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Сўхбатда, шунингдек, жорий йилнинг 26 декабрида юртимизда ўтказила-жак парламент сайловида МДХ Ижроия қўмитаси вакилларидан иборат кузатувчиларнинг ишти-рокини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларнинг янада очик, ошқора ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида сайловчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир неча ўлчамдаги рангли плакатларни чоп этди.

Кўп миң нусхада босмадан чиққан бундай кўргазмалар тарғибот материаллари округ ва участка сайлов комиссиялари биноларига, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ўтадиган масканларга, жамоат транспорти, таълим муассасаларига, маҳалла гузарларига жойлаштириш учун мослаб тайёрланган.

(ЎзА)

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Қарши (ЎзА мухбири А.Мухаммадиев). Муллаўйчи Тошму-хаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида «Зулфияхо-ним қизлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи аяқланди. Унда танловнинг ilk босқичида ғолиб чиққан қизлар ўз иқтидорини на-мойиш этди. Китоб туманидан Зухра Исмолова — маданият, чи-роқчилик Ҳасима Хурсанова — санъат, китоблик Моҳиғул Ҳўжамова — таълим, қаршилик Нодира Азимова — фан, Гулиногор Авазова адабиёт йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Тadbирда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Кўриш чизиғи

лари федерацияси, Ногиронлар жамияти, «Нуроний» жамғармаси, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамоат бирлашмалари ҳамда ижтимоий йўналишдаги бошқа жамоат ташкилотларининг манфаатларини барча чоралар билан ҳимоя қилиш ва улар билан шериклик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантириш ниятидадир.

КАДРЛИ САЙЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига сайловлар эълон қилиниши муносабати билан қабул қилган Сайловолди Платформасининг устувор сиёсий йўналишлари шулардан иборат. Партияимиз ўзининг бош сайловолди ҳужжатида аҳолининг барча қатламлари ҳаётий манфаатларига тааллуқли, жамоатчилик диққат марказида турган муаммоларни ҳал қилишга ўз ёндошувларини эълон қилар экан, у қуруқ ваъдалар бермасдан, балки Платформада белгиланган келгуси беш йилликда эришса бўладиган мақсадларни тақлиф этди. Бунинг учун Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши даврида олиб борилган ислохотлар натижасида етарли замин ва барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

ҲУРМАТЛИ ОТАХОНЛАР ВА ОНАЖОНЛАР! АЗИЗ АКА-УКАЛАР ВА ОПА-СИНГИЛЛАР!

Ватанимиз истиқболи, инсон фаровонлиги, фарзандларингиз келажаги учун аҳамияти бе-қиёс сайловларда иштирок этинг!

Сизнинг манфаатларингизни ифодаловчи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсатини қўллаб-қувватланг!

ХДП кўрсатган номзодлар — Сизнинг ном-зодларингиз! Уларга овоз беринг!

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING 2004 ЙИЛДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОғИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРғИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА БЎЛАДИГАН САЙЛОВЛАРГА

САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси IV қурултайида, 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган

Буқаш чизиғи

Кўриш чизиғи

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар;
— «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Товар бозорига рақобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонунлар;
— «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ва «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа турдош қонунчилик ҳужжатлари.

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ САРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ва ҳўжалик бошқарувини чегаралаш, барча даражалардаги бошқарув тузилмаларини эски маъмурий-бўйруқбозлик, тақсимчилик тизими-га хос бўлган вазифалардан халос этиш ва шунга мос равишда бошқарув тузилмаси, аппарата ходимлари сони ва уни сақлаш учун харажатларни мақбул ҳолатга келтиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган маъмурий ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда, партия давлат аппаратини ислох қилиш масалалари демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти институтларининг фаол ривожланиши ва аҳолида фуқаролик маданиятининг шаклланиши, давлат ҳокимиятининг иж-роия тармоғи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан бирга ҳал эти-лиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП ушбу мақсадда, қуйидагиларни амалга оширишни тақлиф этади:
— давлат бошқаруви аппаратининг мақоми, дав-

Буқаш чизиғи

ишлаб чиқарувчиларнинг ўз тасарруфидаги иш-лаб чиқариш воситалари ва ресурслардан, уларда ишлаб чиқарилган махсулот, товар ва хизматлардан, уларни сотишдан олинган даромаддан муста-қил фойдаланиш эркинлиги.

Бунда Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиётига хос мулкий муносабатлар ҳамда истеъмол бозори ва меҳнат бозоридagi фуқаролик-ҳуқуқий муносабат-ларда:

ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муноса-батларда ишчи ва хизматчиларнинг манфаатлари-га устуворлик бериш;

ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртаси-даги муносабатларда истеъмолчилар манфаатлари-нинг устуворлигини таъминлаш ҳамда истеъмолчи-лар манфаатларига зиён етказувчи монополистик фаолиятни чеклаш;

меҳнат бозори ва истеъмол бозорига тенг рақо-бат қила олмайдиган аҳоли заиф табақаларининг давлат томонидан қарғаланган мўлжалли ижти-моий муҳофазасини таъминлаш тарафдоридир.

Ўзбекистон ХДП ушбу масалаларда бошқача сиё-сий қарашларга эга бўлган партиялар билан рақо-бат қилади ва уларга нисбатан ижобий муҳолифат-дадир.

Шундай қилиб, меҳнат аҳли — ишчилар, киш-лоқ меҳнатқашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокор-лар, хизматчилар, шунингдек ҳарбий хизмат-чилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногирон-лар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя этув-чи Ўзбекистон ХДП мамлакатдаги сиёсий куч-ларнинг сўл қанотидир.

Бизнинг бош сайловолди шiorимиз: «Халқимиз фаровонлигига эришиш — Ватанимизнинг гул-

Конун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилади. Унинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан, асосий вазифалари эса тилқ, ноёб, қimmatли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондиди сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборатдир. Қонун лойиҳаси мукамал ишланган, барча масалалар унда ўз аксини топган. Шунинг билан бирга, уни янада такомиллашувига қаратилган бир неча таклифларни киритишни лозим деб топдим.

Хусусан, лойиҳанинг 5-моддасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тоифалари ҳақида сўз қилинган экан, унинг жумладан кейин «геология-палеонтология бюртма кўриқхоналари» сузлари киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, қонун лойиҳасининг 14-, 16-, 20-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасига берилётган ваколат ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасига ҳам берилиши белгиланса, фойдадан холи бўлмас эди.

Лойиҳанинг 17-моддасида табиий ҳудудларни муҳофаза қилишни ташкил этиш ҳақида гап борар экан, унинг биринчи жумласида давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) бюртма кўриқхоналари, табиат боллари ва давлат биосфера резерватлари билан бирга палеонтологик бюртма кўриқхоналари ҳам инобатга олинса тўғри бўлади.

Лойиҳанинг 18-моддаси биринчи жумласини қуйидагича:

«Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг оғир режимида эга бўлган, типик экологик тизимлар, қазилма ўсимлик ва ҳайвонларнинг тошқотган қолдиқлари фондиди сақлаб қолиш ҳамда илмий ўрганиш учун мўлжалланган стратегия, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кўриқхоналари ҳисобланади»;

26-моддаси бешинчи жумласини: «қазилма объектларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тошқотган қолдиқларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар»;

27-моддаси биринчи жумласини:

«Табиий объектлар махсус ваколатли давлат органининг, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади»;

30-моддаси тўртинчи жумласини: «Айрим қазилма объектлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тошқотган қолдиқлари ва уларнинг мажмуаларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик бюртма кўриқхоналари»;

31-моддаси биринчи жумласини: «Умумдавлат аҳамиятига молик бюртма кўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек, юридик ёки жисмоний шахсларнинг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади», деган тахрирда бериш таклиф этилади.

Уйламанки, билдирган таклиф ва мулоҳазаларим қонун лойиҳасини янада маромига етказишда инобатга олинса, бу ҳар томонлама фойдадан холи бўлмайд.

Султонбой ҲУСАНОВ, геология-минералогия фанлари доктори

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган, пахта етиштириш борасида ҳам ҳақиқий мустақилликини қўлга киритдик, — дейди «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Фарҳоджон ОМОНОВ. — Ўз пахтаимизга эгалик қилиш, жаҳон бозорида истеъмолчиларни ўзимиз танлаш, етиштирилган пахта толасини хорижга ҳақиқий қийматида сотиш ҳуқуқларига эга бўлдик. Бугунги кунга келиб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғали пахта толаси дунёдаги энг етақчи ҳисобланган Нью-Йорк, Ливерпуль, Бремен, Гданск биржаларида муносиб ўрин

лар қамрови, айниқса салмоқли. Корхонада асосан, «С-6524» навли пахта хомашёси қайта ишланади. Пахта тозалаш ускуналари IV типга мансуб қийин тозаланган тола олиш имкони беради. Бу типдаги пахта толаси эса жаҳон бозорида харидорғирдир. Жамoa ўтган 2003 йилда тумандаги 12 та ширкат ҳамда 50 дан ортиқ фермер хўжалиқларидан 19 минг 422 тоннадан зиёд пахта хомашёсини қабул қилиб, ундан 6 минг 180 тонна микдорда сифатли тола олган. Бу маҳсулот эса «Тошкент — тола» терминал омбори орқали чет давлатларга жўнатилади. Айни дамларда кор-


хонада жорий йилдаги пахта ҳосилидан жаҳон бозорида харидорғир бўлган IV типга мансуб тола олинмоқда. Олинаётган тола чиқими эса 32,5 фоизни ташкил қилаётди. 2004 йилнинг шу даврида корхонада, янги ҳосилдан 2774 тонна микдорда тола ишлаб чиқарилди ва унинг 2738 тоннаси хорижий давлатларга сотилди. Ҳаракат бор жойда — баракат бор, деганларидек, жорий йилнинг шу даврида Пискент туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасида 2543 тонна тола олинди, унинг 2440 тоннаси хорижга экспорт қилинди. Олинаётган тола чиқими эса 32,9 фоизни ташкил этди.

Экспорт — мамлакат таянчи

қайта ишланиб, ундан 5362 тонна микдорда сифатли тола олинди ва хорижга экспорт қилинди. Сўзсиз, экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз равнақи, қолаверса, пахтачилик соҳасининг ривожига улкан ҳисса қўшади. Толанинг 80-90 фоизи хорижга экспорт қилиниши ҳам ана шундан. Оққўрғон туманидаги «Алимент» пахтани қайта ишлаш корхонаси тумандаги 6 та ширкат ҳамда 340 дан зиёд фермер хўжалиқларидан 19 минг 732 тонна пахта хомашёсини қабул

— Биласизми, экспортбop маҳсулот тайёрлашнинг ўзи-га хос масъулиятли томонлари бор, — деб тушунтиради бирлашма раиси Фарҳоджон ОМОНОВ. — Негаки, маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқаман, рақобатбардошлигини ошираман деган меҳнат жамoаси доимо хориж билан ҳамкорликни кенгайтириши керак. Бугунги куннинг талаби — омбор учун эмас, балки сифат ва бозор учун меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Чунки тизимиздаги корхоналарда тайёрланган маҳсулотларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ туради. Бундан ташқари хорижга жўнатилаётган толанинг сифати, нави маълум маънода корхоналаримиз келажагини белгилаши ҳам турган гап. Айниқса, ўзаро ҳамкорликда тузилган шартномаларга амал қилиш жуда муҳим. Шу мақсадда, бирлашмамизга қарашли корхоналар ишини такомиллаштириб, замон талабларига мослашга ҳаракат қилаётми... Толанинг жаҳон бозорида юқори баҳоларда сотилишини таъминлаш учун маҳсулот сифатини кафолатловчи сертификатга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, бирлашмамиз тасарруфидоги бир қанча пахтани қайта ишлаш корхоналари мукамал таъмирланиб, қисқа технология билан ишлашга ўтказилди. Бунинг самараси ўларoқ, пахта хомашёсини толага айлантириш жараёنлари соддалашди. Бундай амалий ишлар тизимиздаги «Қорасув», «Мустақиллик», «Алимент», «Пискент», «Оққўрғон», «Далвар» ва бошқа кўплаб корхоналаримизда ўз самарасини кўрсатди. Натияжада тола олиш ўрта ҳисобда 2-3 фоизга ошди. Бу — вилоятимиз бўйича қўшимча равишда минглаб тонна юқори сифатли тола, бир неча миллион сўмлик қўшимча даромад дегандир.

ҲАРАКАТ БОР ЖОЙДА БАРАКАТ БОР



БУ «ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ТИЗИМИДАГИ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЯҚҚОЛ КЎРИНМОҚДА

эгаллади. Пахтани қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, уни жаҳон андозларига мос равишда янги технологиялар билан жиҳозлаш имкониятлари яратилди. Айтиш керакики, бирлашмамиз тизимиздаги корхоналар ҳам мамлакатимиздаги муҳим тармоқлардан бири саналади. Қадок қўли деҳқонлар йил бўйи тўққан пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил шу ерда қайта ишланмоқда. Қайта ишланган хомашё бирлашмамиз тасарруфидоги 12 та пахта тозалаш корхоналарида толага айлантирилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимизда тайёрланган пахта толаси дунёнинг бир қанча мамлакатларига, жумладан, АКШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Украина ва шунга ўхшаш кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Дарҳақиқат, жамoa ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунади. Чунонки, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Бирлашмага қарашли Янгийўл туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» пахтани қайта ишлаш корхонасида бу борада эришилган ютуқ-

қилиб, ундан 6314 тонна сифатли тола олишга ихтисослашган. Шу кеча-кундузда корхонада жорий йил пахта ҳосилидан 2375 тонна сифатли тола олинди, унинг 2257 тоннаси «Тошкент — тола» терминал омбори орқали чет мамлакатларга жўнатилади. Биз рақамлар билан ишлашга ўрганиб қолганми. Рақамлар қанчалик улкан бўлса, шунчалик хайратимиз ошади. Улкан рақамларни эса табиатнинг ўзи беради. У меҳнат туфайлигина, жамият фойдасига ундирилади. «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли, Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолиятида айниқса, бу рақамлар кўзга яққол ташланади. Буруноғи, 2002 йили корхонада 15 минг 467 тонна пахта хомашёсини қайта ишланган, 4816 тонна микдорда тола олинди, маҳсулот хорижга экспорт қилинган. Агар, корхонада ўтган 2003 йилнинг ноябрь ойида 962 тонна тола олинди, унинг 417 тоннасигина, экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврида 1949 тоннани ташкил қилди ва 1788 тоннаси терминал омборлари орқали хорижга сотилди.

Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» пахтани қайта ишлаш корхонаси раҳбари Уктам ХАЙДАРОВ. — Бу жараёнда ўнлаб, ҳатто юзлаб техникалар тинимсиз ишлатилади. Йўл қўйилган озгина хатолик ҳам тола сифатини бузиб қўйиши мумкин. Шу боис, рақабардан тортиб, то оддий ишчиғача мавсумда астойдил меҳнат қилади.

— Ўтган йили қанча тола экспорт қилинган?

— Туманимиз хўжалиқларида етиштирилган 17 минг 157 тонна пахта хомашёсини

Ҳуқуқшунос мулоҳазаси

Чақалоқ туғилиши билан ота-она қалбида бир умид ҳам уйғонади. Фарзандим эсон-омон вояга етсин, эсли-хушли бўлсин, одамлар ҳурматини қозонсин, деб оруз қилади. Орузга етмоқ учун қанчадан-қанча уқубатлар саҳросидан ўтилади. Буни бола тарбиялаган ота-онанинг билди. Орадан йиллар ўтиб, бу азоблар яхши мева берса — фарзанд қимматли инсон бўлиб етишса, ота-онада армон қолмайди. Аммо, ярим йилда ёки маррага етай деганда қоқилса-чи, йўқилса-чи? Қалбида авайлаб юрган умиди дарз кетса ёки синса-чи? «Фарзандимни одамлар эъзозлашсин, бошларига кўтаришсин», — деб юрган ота-она ўлини ёки қизини «қора кўрси»да кўрса-чи? Бу даҳшат! Бундай бахти қароликни ҳатто душманнинг ҳам раво кўригин келмайди.

олдидан онанинг тилидан бир ўпай», деб онанинг тилини тишлаб, узиб олган экан. Чунки бу тил болани жиноятдан тўқиб қўлган.

ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ ЎСМИР

булиб кетишига кўп жиҳатдан ота-она, оила айбдор, деб ўйлайман. Кўпчилик бола тарбиясига ким масъул: оилами, мактабими, деб баҳс юритишадими. Бу баҳс мулақо ноўриндир. Бола тарбиясига оила, ота-она масъул! Болани яратиш, тарбияни етти ёт бегоналар зиммасига юклаб қўйиш гирт нотавонлик, кўрнамалик-ку! Мана оддий ҳисоб: бола ҳафта мобайнида 36 соат мактабда бўлади. Агар 56 соат уй-қўлга ажратилса, демак, 76 соат ота-онани билан бирга. Мактаб болага билим беради. Унинг асосий вазифаси шу.

аёллар. Ёмон йўлга кирган ёки кира бошлаган болани тўхта-тишка улар ожиз. Бунинг учун эркакнинг қаттиққўлиги керак. Бола қимдандир хайкиб туриши лозим. Бу фикр педагогикага зид, инсон ҳуқуқига зид. Лекин миллий менталитетимизга қай маънодадир ақин.

Бола ҳамма вақт эмас, умрининг маълум бир қисмида холларда оддий танбех билан иш битмайди. Уқитувчи ота-онанинг чакриб айтса, айримлар чора кўришга ваъда беради. Аксарият ота-онани эса бу гап тўқмаб бўлиб туюлади, жанжал кўтаради...

Болага қаттиққўлик қилиш — уни қунда калтаклаш ёки ҳўрлашдан иборат эмас. Шунинг учун қаттиққўлик мейрени, усулини билиш керак. Мактаб болага нисбатан қаттиққўликни, назоратни ошириши лозим. Бола айб қилгудек бўлса, жазо олишини билиши керак. Чунки катта жиноят майда айбдордан бошланади. Катта ўғирлик мактабда ёки кўчада заифроқ болаларнинг овқат пулини тортиб олишдан бошланади. Бундай

нимадандир чўчиб туриши керак. Инсон табиати шундай. Одам ҳамма вақт ақл-заковатга итoат этавермайди. Гудакларни қаранг: «ойнақ иссиқ деса»нинг ҳам унга интилавари. Қўлини бир-икки иссиққа боссангиз, совуқ чойнақдан ҳам қонданган бўлади.

Ушбу вазифаларни бажариш учун зарур меъерий-ҳуқуқий заминни яратиш мақсадида, партия Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва киритишни таклиф этади:

— Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона ва Уй-жой кодекслари;

— «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва

Ушбу вазифаларни бажариш учун зарур меъерий-ҳуқуқий заминни яратиш мақсадида, партия Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва киритишни таклиф этади:

— Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона ва Уй-жой кодекслари;

— «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва

лат хизматчиларининг вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касб малакасини ошириш ва лавозимларининг ўсиши тартиби, уларнинг меҳнатларига муносиб ҳақ тўлашни таъминлашга қаратилган қўнунчиликни такомиллаштириш чораларини амалга ошириш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви ходимлари орасида кузатиладиган мансабдорларнинг ўзбошимчилиги, сансалорлик ва коррупция каби иллатларга қарши курашнинг меъерий-ҳуқуқий тартибга солиниши самарадорлигини ошириш;

— қуйидаги чора-тадбирларни кўриши: мамлакатни модернизация қилиш жараёнида шаклланиётган фуқаролик жамияти институтларининг (қасаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари, пенсионерлар, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар жамoат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар) роли ва аҳамиятини янада ошириш;

— кишиларда фаол фуқаролик позицияси, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини идрок этиш, улардан онгли равишда фойдаланиш ва суд ҳокимияти механизми орқали уларни ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳар бир кишида шакллантиришга қаратилган фуқаролик таълим-тарбиянинг давлат ва жамoат тизимларини изчил ривожлантириш.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлисининг Қўнунчилик палатаси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакилик органларидаги ўз депутатлик тузилмалари орқали вакилик демократияси ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларида тегишли сиёсатни юритишда ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамия-

лаб-яшнаши гаровидир!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур Сайловда Платформасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарасини ошириш йўлларида оид ўз қарашларини жамиятга таклиф этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакат раҳбарияти ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва халқ томонидан қўллаб-қувватланган ислохотлар бош йўлига мувофиқ, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, парламент ислохотининг ҳуқуқий негизини яратиш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш ва мустақамлаш ҳамда бошқа соҳаларда катта ютуқларга эришилганлигини қайд этади. Жамият бундай ислохотлар йўлидан изчил боришни давом эттирмоқда.

Партия 1999 йилдаги сайловдан кейинги бутун давр мобайнида ўзининг ижтимоий таянчи манфаатларига жавоб берувчи иқтисодий ва сиёсий ислохотларни ҳеч иккиланмай қўллаб-қувватлаб келди. У ўзининг парламент фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари орқали ислохотларга қаратилган қонун ва бошқа давлат қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиб келди. Партия ўз сиёсий рақиблирининг танқидига жавобан, қатор сабаблар, айниқса иккинчи чакрик Олий Мажлис депутатлари орасида вакилларнинг сони етарли бўлмаганлиги боис, ўз дастурий вазифаларини амалга ошириш учун зарур қонуняратувчилик воситаларига эга бўла олмаганлигини тан олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ХДП 1999 йил сайловида парламентада кўпчилик ўринларни эгалла-

умуммиллий дастури доирасида умумтаълим мактаблари биноларини сақлаш ва ўқув-моддий базасининг бюджетдан молиялаштириш микдорларини, улардан тўлиқ фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш даражасига етказиш;

— аҳолининг ҳажми давлат томонидан кафолатланган, сифатли бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши;

— бюджетдан молиялаштириладиган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш маассалалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашини ушбу каомаларнинг аънавий нуфузига мос даражада етказиш;

— аҳоли турмуш шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлган уй-жой — коммунал ва транспорт хизматлари нархларининг ўртача даражадаги даромадга эга кишилар учун мақбуллигини кафолатлаш мақсадида, ушбу соҳаларда молиявий назоратни кучайтириш ва монополияга қарши самарали чораларни кўриш;

— солиқ ва божхона сиёсатини янада юмшатишга қаратилган самарали чораларни кўриш;

— товар-пул айланishi самарадорлигини ошириш ва аҳолига нақд пул узлуксиз тўлашини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун зарур меъерий-ҳуқуқий заминни яратиш мақсадида, партия Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва киритишни таклиф этади:

— Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона ва Уй-жой кодекслари;

— «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2004 йил сайлов кампаниясида иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида нуфузли парламент фракциясини тузиш имкониятини тугдирувчи муносиб ўрин олиш ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакилик органларида етакчилик мавқеига эришиш учун ҳаракат қилади.

Бунинг натижасида Ўзбекистон ХДПнинг ўз дастурий мақсадлари ва уни қўллаб-қувватлаётган сайловчилар манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур қонун ва бошқа давлат қарорларини қабул қилишга кучли таъсир кўрсата олиши таъминланади.

Партия ялпи сайловлар арафасида ўзининг мамлакат сиёсий кучлари орасидаги ўрнини, ўзининг сиёсий йўналишини аниқлаб олди. Бунда Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши, гуллаб-яшнаётган демократик ҳуқуқий давлатга босқичма-босқич эврилиши биз учун асосий мўлжалдир.

Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиёти мамлакатимизда иқтисодий эркинликнинг жаҳонда қабул қилинган ва қуйидагиларни кўзда тутадиган тамойиллари асосида ривожланиши керак, деб ҳисоблайди:

— мулк ва меҳнатнинг барча шакллари ҳуқуқий ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилиги, хусусий ташаббус, тадбиркорлик ва рақобат эркинлиги;

— фуқаролик жамиятининг муҳим мулклий асоси бўлиши хусусий мулкнинг дахлсизлиги;

— ҳўжалик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига ҳокимият ва бошқарув органларининг бевосита ара-лашуви ва маъмурий таъйиқ кўрсатишдан ҳолилиги;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2004 йил сайлов кампаниясида иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида нуфузли парламент фракциясини тузиш имкониятини тугдирувчи муносиб ўрин олиш ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакилик органларида етакчилик мавқеига эришиш учун ҳаракат қилади.

Бунинг натижасида Ўзбекистон ХДПнинг ўз дастурий мақсадлари ва уни қўллаб-қувватлаётган сайловчилар манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур қонун ва бошқа давлат қарорларини қабул қилишга кучли таъсир кўрсата олиши таъминланади.

Партия ялпи сайловлар арафасида ўзининг мамлакат сиёсий кучлари орасидаги ўрнини, ўзининг сиёсий йўналишини аниқлаб олди. Бунда Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши, гуллаб-яшнаётган демократик ҳуқуқий давлатга босқичма-босқич эврилиши биз учун асосий мўлжалдир.

Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиёти мамлакатимизда иқтисодий эркинликнинг жаҳонда қабул қилинган ва қуйидагиларни кўзда тутадиган тамойиллари асосида ривожланиши керак, деб ҳисоблайди:

— мулк ва меҳнатнинг барча шакллари ҳуқуқий ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилиги, хусусий ташаббус, тадбиркорлик ва рақобат эркинлиги;

— фуқаролик жамиятининг муҳим мулклий асоси бўлиши хусусий мулкнинг дахлсизлиги;

— ҳўжалик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига ҳокимият ва бошқарув органларининг бевосита ара-лашуви ва маъмурий таъйиқ кўрсатишдан ҳолилиги;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2004 йил сайлов кампаниясида иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида нуфузли парламент фракциясини тузиш имкониятини тугдирувчи муносиб ўрин олиш ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакилик органларида етакчилик мавқеига эришиш учун ҳаракат қилади.

Бунинг натижасида Ўзбекистон ХДПнинг ўз дастурий мақсадлари ва уни қўллаб-қувватлаётган сайловчилар манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур қонун ва бошқа давлат қарорларини қабул қилишга кучли таъсир кўрсата олиши таъминланади.

Партия ялпи сайловлар арафасида ўзининг мамлакат сиёсий кучлари орасидаги ўрнини, ўзининг сиёсий йўналишини аниқлаб олди. Бунда Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши, гуллаб-яшнаётган демократик ҳуқуқий давлатга босқичма-босқич эврилиши биз учун асосий мўлжалдир.

Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиёти мамлакатимизда иқтисодий эркинликнинг жаҳонда қабул қилинган ва қуйидагиларни кўзда тутадиган тамойиллари асосида ривожланиши керак, деб ҳисоблайди:

Болалар спорти

ОММАВИЙ ТУС ОЛМОҚДА

Бугун қайси вилоятдан бўлмасин, болалар спорти ютуқлари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, бу борада Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар ҳам диққатга сазовор.

Вилоятда замонавий талабларга мос келадиган 23 та ўйингоҳ, 359 та спорт зали, 7 та очик сузиш ҳавзаси, 459 та баскетбол, 164 та волейбол, 42 та кўл тўпи, 769 футбол, 279 та мин футбол майдонлари, 127 та энгил атлетика сектори ва 60 га яқин теннис кортлари болаларга хизмат қилмоқда.

Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сурхондарё вилояти филиали директори вазифасини бажарувчи Рустам Қосимовнинг маълумотларига қараганда, вилоятда 231 минг нафардан зиёд болалар спортининг 28 тури бўйича мунтазам равишда шуғулланмоқда. Улар орасида қизлар сафига тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

Сурхон қизлари республика биринчиликлари ва халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок эта бошлади. Яқинда Наманган шаҳрида «Труд» газетаси соврини учун бўлиб ўтган халқаро шахмат турнирида Сурхондарё вилояти халқ

таълими тизимидан 12 нафар шахматчи иштирок этиб, Райхон Дониёрова ва Умида Абраҳимова каби ёш спортчилар голиблар сафидан ўрин олишди. Мусобақа якунига кўра вилоят спортчилари 2 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Вилоятнинг энг чека туманлари, ҳўжаликларидида қурилиб фойдаланишга топширилган турли спорт иншоотларига боқиб ҳавас қилади киши. Масалан, яқинда ишга туширилган Музабот тумани «Халқобод» ширкат ҳўжалигидаги 169,5 млн. сўмлик болалар спорт иншооти ёки Бандихон тумани, «Пахтакор» ширкат ҳўжалигидаги қиймати 153 млн. сўмлик болалар спорт мажмуасининг мавжуд шарт-шароитларини кўриб кўз қувонади.

Бундай хайрли ишлар Сарисоё, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Ангор, Шўрчи каби туманларда ҳам қизгин олиб бориляпти. Фарзандларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, катта ғамхўрликлар ёшу қарини кечис қувонтираяпти.

Биргина Термиз шаҳрининг ўзида болалар спортига оид қанчадан-қанча янги спорт заллари, спорт секциялари, тўрақаракли ташкил этилган. Сузиш ҳавзалари ишлаб ту-

рибди. Қизлар учун спортнинг бадиий гимнастика тури билан шуғулланиш имкониятини берадиган муҳташам спорт зали фойдаланишга топширилди. Бундай хайрли ишлар вилоятда ўнлаб, юзлаб тадбиркорлар, ишбилармонлар ўз улушларини кўшиляпти.

Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур фермер Аҳмадхон Нарзуллаев Деновда ўз ҳисобидан ажойиб стадион қуриб берди. Қизирқ туманидаги «Қароқасмоқ» фермер ҳўжалиги ўз ҳисобидан «Истара» қишлоғида катта бир муҳташам мактаб ва ўйингоҳ қураётган бўлса, Термиз шаҳридаги оддий бир дўкдордан бу йил 11 миллион сўмлик спорт жиҳозларини сотиб олиб, қишлоқ мактабларига улашди.

Камчилик ва муаммолар йўқ эмас. Ўз ўрнида улар муҳомама этилиб, чора-тадбирлар белгиланмоқда. Энг муҳими эса вилоятда болалар спортини ривожлантириш бўйича оммавий ҳаракат бошланган. Бу ишларнинг нечоғли муҳим эканлигини изохлаб ўтиш шарт эмас. Негаки, баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни, аҳамияти беқеъс эканлиги бугун ҳеч кимга сир бўлмас керак.

Абдурашул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири



ПОРТЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шу йил июнь ойида Самара шаҳрининг Киров бозорида содир этилган портлаш ташкилотчилари аниқланди. Бу ҳақда Самара области прокуратураси ИТАР-ТАСС агентлигига маълум қилди.

Портлаш оқибатида 70 нафар одам жабр кўрди, 11 нафари эса ҳаётдан кўз юмди. Хукукни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган тергов натижасида портлашларга Чеченистон ҳарбий лагерларида тайёрликдан ўтган бир неча Қозоғистон Республикаси фуқароси дахлдор эканлиги аниқланди. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар аини пайтда Қозоғистон Республикаси ҳудудида яшамоқда.

Самара шаҳри бозоридидаги портлаш 4 июнда содир этилди. Савдо контейнерларидан биринининг орқа деворига ўрнатилган қўлбола портлағич мосламаси ишга туширилгани оқибатида портлаш рўй берганди.

Бугунги Украина «чүкр сиёсий инқироз исканжасида. Жаҳонда бу инқироз турлича талқин қилинмоқда. Умуман, Украинадаги бугунги вазият демократиянинг намоён бўлиши, бошбошдоқликми, тўнтаришми, конституциявий инқирозми ёки инқилобми? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Бундай «эркинлик» ҳатто демократия досяи бўлган фарбда ҳам қузатилмаган. Бугунги вазият мамлакатнинг иқтисодида, ҳудудий ялғитлигига, миллий тотувлигига, халқаро обрўсига, умуман, келажакка қай даражада пўтур етказиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Россия Федерацияси давлат думаси раиси, Польша ва Литва президентлари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

Шарҳ

сиёсининг янги таркибини тақдим этиши ҳамда Олий суд ўтган овоз бериш натижаси бўйича қарор қабул қилиши керак. Мамлакатнинг сайлов тўғрисидаги қонунда учинчи марта овоз бериш кўзда тутилмаган. Шунинг учун бу масала парламентда кўриб чиқилиши мумкин. Рада-нинг ўтган шанба кўни қабул қилган қарорлари ҳозирча тасвиявий аҳамиятга эга. Эҳтимол бу қарорлар Киев қўчаларидаги на-мойишчилар эҳтиросларини бироз бўлса-да, сўндириш мақсадида қабул қилингандир.

Бирок парламентнинг ўтган галги овоз бериш натижаларини бекор қилиш ҳамда марказий сайлов комиссиясига ишонсизлик билдириш тўғрисидаги қарорлари Донецк шаҳрида аҳолининг эҳтиросларини қуяйтириб юборди. Ўтган шанба кўни 150 мингдан зиёд намоишчи кўчага чиқди. Намоишчилар агар Виктор Янукович президент

САЙЛОВЛАР ҚОЛДИРИЛМАЙДИ

Ироқнинг сайлов комиссияси мамлакатда 30 январь кўни бўлиб ўтиши мўлжалланган сайловларни ўз вақтида ўтказишга қарор қилди. М у-ваққат ҳукумат вакиллари миллий мажлисга бўлиб ўтадиган сайловлар мўддатини ҳам узайтирмаслиги ҳақида маълум қилишди.



Асосан сўннийлар мазахбага дахлдор бўлган мусулмонлар, қурдлар ва оқсуяқ ироқликлардан иборат бўлган баъзи сиёсий ташкилотлар мамлакатда рўй бераётган тартибсизликлар туфайли сайловларни 6 ойга қолдириб туришни тақлиф қилиш эди.

дан ўтганларга мўмайгина чой-чака берилади. Айтинг-чи, бунақада қайси намоишчи Киев қўчалари ва майдонларини тарқ эттиси келарди?! Ўринли савол туғилиши мумкин: сайловнинг натижасидан қатъи назар муҳолифат олдиндан шу даражада раинада фардан кўра, ақсина, Россия билан яқинлашиш сиёсати устуворлик қила бошлади. Эҳтимол бунда Путиннинг хизматлари катта бўлса керак. Чунки у Украина билан муносабатларга жуда катта аҳамият бера бошлади ва бу Россиянинг ташки сиёсатида стратегик йўналиш бўлиб қолди. Шубҳасиз, икки ўртадаги бундай муносабат Украинани Европа Иттифоқи ҳамда НАТО таркибидида қўришни истаган Виктор Юшченкога маъқул бўлмади. Президент Кучма уни истефого чикариб, бош вазирлик лавозимига ўзгартаётган сивсатга мос номзодни тандади. Бу Виктор Янукович эди.

Юшченко либераллар, миллатпарастлар, фарбпарастлар, демократлар вакили бўлса, Янукович йирик ишбилармонлар, саноатчилар, рус тилида сўзлашувчи аҳоли манфаатини ифодалайди. Янукович номзодини маъқуллаган шарқий Украинада мамлакатнинг бутун бир саноти жойлашган. Мўблага қилиб айтганда, халқнинг орасида «Донбасс бутун мамлакатни боқяпти» деган гап юради. Янукович асли донабасслик, Украина санотиининг пойдворини ташкил этган минтика вакили. Агар минтақадиги бугунги вазият узок давом этса, мамлакат иқтисоди катта зарар кўриши мумкин.

Ҳозир Украина шарқи ва жанубидидаги ўндан ортқк область автономия талаб қилляпти. Северодонецка бўлиб ўтган йилгида сўзга чиққанлар ҳатто Украинадан ажралиб чиқиб, Россияга қўшилиш широрини ўртага ташладилар. Шарқий Украина Виктор Януковични сайланган президент деб ҳисоблайди ва сайлов натижасини бекор қилиш ҳақидаги қарорни тан олмайди. Виктор Юшченко ва унинг тарafdорлари бўлса, сайловда учинчи марта овоз бериш ўтказилгунга қадар Виктор Януковични бош вазирлик лавозимидан истефого чикаришни президент Кучмадан талаб қилмоқдалар.

Хуллас, Украинадаги бугунги сиёсий вазият демократиядан кўра, кўпроқ инқилобни эслатади. Агар демократия бўлганида бошқа демократик давлатларга ўхшаб, шубҳасиз, бир томон мардик қилиб, Ватан, миллат тақдирини ўйлаб мағлубиятини тан олган, қайтага хамкорлик йўлини топиб сиёсий қарамқаршиликка барҳам берган бўларди. Инқилобда эса қандай қилиб бўлмасин ҳокимиятнинг кўлга олиш керак. Бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Украинада юзага келган вазият ана шундай.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Украинадаги сиёсий вазият ДЕМОКРАТИЯМИ ЁКИ ИНҚИЛОБ?

ҳамда Европа Иттифоқи вакиллари воситачилигида, президент Кучма, парламент раиси Литвин, номзодлар Янукович, Юшченко иштирокида ўтказилган давра сўбати ва алоҳида мулоқотлар ҳам сиёсий инқироздан чиқиш имконини бермади. Воситачилар қарама-қарши томонларни муросага келтириш учун қанчалик самимият ва қатъиятлик кўрсатишмасин, масаланинг ечимини топишга кўчадаги оломоннинг таъсири ҳалақит берди.

Оломон нафақат президент ва ҳукумат биналарини, балки радани — парламентни ҳам камал қилиб олган. Рада ўтган шанба кўни 21 ноябрь кўни овоз бериш ниятида эканликларини очик айтмоқдалар. Улар бунинг учун конституцияга ўзгартириш киритишни талаб қилмоқдалар. Бундай кайфият сайловда Янукович учун овоз берган Одесса, Харьков, Крим, Днепрпетровск ва бошқа областларда ҳам кучайиб бормоқда. Ҳозирги вазият шундайки, ҳар қандай одамда Европадаги катта бир давлат гўе иккига бўлиниб кетаётгандай таассурот қолдиради. Агар вазиятни барқарорлаштириш чораси топилмаса, шундай ҳолат юз бериш ҳавфи ҳам бор.

Ўтган бир ҳафта мўбайнида бутун дўненинг диққат-эътибори Киевда бўлди. Жамма митингбозлар ва намоишчиларга яратилган шарт-шароитлардан ҳайратланмоқда. Ушлаш ва дам олиш учун палаткалар, иссиқ оқват ва дори-дармон таъминоти, тиббий хизмат, телефон алоқаси, радио ва телевизор, видеоэкран, ўйинкули, концертлар уюштириш — ҳаммаси кўнглидагидек жойига қўйилган. Ҳар бир намоишчи қайси областдан қанчон келганлиги тўғрисида рўйхатдан ўтади ва кеттиш пайтида гуруҳ раҳбаридан рўхсат сўрайди. Рўйхат-



бўлмаса референдум ўтказиб, Донецкни автоном деб эълон қилиш ниятида эканликларини очик айтмоқдалар. Улар бунинг учун конституцияга ўзгартириш киритишни талаб қилмоқдалар. Бундай кайфият сайловда Янукович учун овоз берган Одесса, Харьков, Крим, Днепрпетровск ва бошқа областларда ҳам кучайиб бормоқда. Ҳозирги вазият шундайки, ҳар қандай одамда Европадаги катта бир давлат гўе иккига бўлиниб кетаётгандай таассурот қолдиради. Агар вазиятни барқарорлаштириш чораси топилмаса, шундай ҳолат юз бериш ҳавфи ҳам бор.

Фақат президентликка номзодлар ва уларнинг мақсад-интилишлари ўртасидигина фарб бор. Виктор Юшченко 1999-2001 йилларда бош вазир бўлди ва мамлакатда фарбга яқинлашиш сиёсатини юритишга ҳаракат қилди. Дастлаб президент Леонид Кучма ҳам ана шундай сиёсатга хайрихоҳ эди. Бирок Россияда Владимир Путин ҳокимият таселасига келгандан кейин Ук-

СУРЪАТЛАР ПАСАЙДИ

Хитойнинг Шаньси музофотидаги портлаш юз берган Чэньцзяшань кўмири қониди исгази хавфли миқдорда тўпланиб қолгани учун қўтқарув ишлари суръати пасайди. Қўтқарувчилар шахта харобалари тағида қолган қончиларни кидиришмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, харобалар тағида 141 нафарга яқин одам қолган, 25 таси портлаш оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

ИСРОИЛ МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР

Исроил бош вазири Ариэль Шарон Фаластин озодлик ташкилоти етакчиси Маҳмуд Аббос билан учрашишга тайёр эканлигини маълум қилди. Маҳмуд Аббос аини пайтда Фаластин мухторияти етакчилигига қўйилаётган асосий номзодлардан берибдир.

Шароннинг айтишича, бу учрашувдан мақсад Маҳмуд Аббос билан Ғазо минтақасидан яҳудийларнинг қўчирилиши ва Исроил қўшларини олиб чиқиб кетиш режаларини муҳокама қилишдир.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА
«KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 30 декабрь ва 2005 йил 6, 13 январь кунлари соат 11.00да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган 8-сонли автомобилларга ёнигли қўйиш шахобчаси (8-АЕКШ)
2. Сурхондарё вилояти, Бандихон туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнигли қўйиш шахобчаси (10-АЕКШ)
3. Сурхондарё вилояти, Ангор туманида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнигли қўйиш шахобчаси (3-АЕКШ)
4. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган «Шифобахш-нон» кичик давлат корхонаси
5. Тошкент шаҳар, Ақмал Икромов тумани, М.Уйғур кўчаси, 555-а-уй манзилида жойлашган «Беш-кайрағач-нон» кичик давлат корхонаси

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, имкониятнингизни бой берманг!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-жона. Маълумотлар учун телефонлар: 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.

зиденти фармонлари ва ҳукумат қарорларини ижро этишдаги интизом пастлиги, мазмурий-буйруқбозлик иш услубларидан тўла воз кечилмаганлиги, деб ҳисоблайди.

Биз Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан 2003 йилнинг июлида билдирилган қуйидаги, яъни «**Тан олиш керакки, ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турипти**», деган фикрга тўлиқ қўшилиамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга тўғанок бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни парламентчилик воситалари орқали ғайрат билан ҳал қилиш мамлакатимизнинг янги, икки палатали профессионал парламенти ва давлат ҳокимияти барча маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланиши зарур, деб ҳисоблайди.

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ – ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Партия аҳоли реал даромадларининг ўртача жон бошига эришилган даражаси билан ўлчанадиган инсон фаровонлигининг муайян даражасига эришиш туб ўзгаришларнинг ҳар бир аниқ босқичи самарадорлигининг бош мезонидир, деган ислохот қилишнинг энг муҳим тамойилига тўла қўшилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу тамойилга амал қилган ҳолда, давлат ҳокимияти қонунчилиги — вакиллик органларининг навбатдаги қақриғида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини

ний механизмларни яратиш;
— қуйидагиларнинг тўлиқ иш билан бандлигини қонунчилик даражасида, ишончли тарзда кафолатлашни таъминлаш:
— умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари;
— Қуролли Кучлардан бўшаган ҳарбий хизматчилар; чекланган иш қобилиятига эга ногиронлар; кўп болали оилалардаги аёллар;
— меҳнат бозоридида тенг шароитларда рақоботлаша олмайдиган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахслар;
— ташқи меҳнат миграциясини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг самарасини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш:
— Ўзбекистоннинг меҳнат бозори мамлакатимиз аҳолисини аънаваний равишда ўзига тартадиган давлатлар билан меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида икки томонлама шартнома, битим ва бошқа давлатларга ҳужжатларни тузиши ташаббуси билан чиқиш;
— Ўзбекистон фуқароларининг бошқа мамлакатларга ишлаш учун боришларининг таъсирчан механизмларини яратиш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш.
— Ўзбекистон ХДПнинг фикрича, қуйидаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириш мақсадида:
— «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
— **меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлайдиган**

асосида мамлакатнинг ички ва экспорт эҳтиёжларини ишончли тарзда таъминловчи юксак самарали иқтисодиётга айлантириш бу жабадаги ислохотларнинг бош вазифаси, деб ҳисоблайди.

Партия қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш орқали:
— аграр соҳада барча мулкий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида хусусий мулкнинг ҳуқуқий маконини ишлаб мухтақамлаш ва шу аснода деҳқоннинг ўзига қарашли ҳўжалик ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий мулкдорига айланишига;
— ер майдонларининг умумдорлигини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг махсулдорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, тармоқ учун зарур бошқа қимёвий ва биологик моддаларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлашга имтиёзлар берилиши ва рағбатлантирилиши;
— мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасининг аксариятини тайёр махсулотгача қайта ишловчи мавжуд корхоналарнинг қувватини ошириш ва янгиларини бунёд этиш орқали аграр соҳанинг асосий тармоғи — **пахтачиликнинг асосан хомашё етказиб беришга мослашганлигини бартараф этишга қаратилган амалий қадамларни** изчил давом эттиришга эришишни таъминлашни тақлиф қилади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДП давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг куч-ғайратини меҳнатга қобилиятли кишиларни юқори ҳақ тўланадиган иш билан таъмин-

лашга, аҳолини халқ таълими ва тиббиёт хизматлари билан кенгроқ қамраб олишга, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар билан таъминлашни яқинлашга оид ҳудудий дастурларни изчил амалга оширишга йўналтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Партия шу мақсадда қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки, заруратга қараб, уларнинг янги тахрирларини тайёрлаш ва қабул қилишни тақлиф қилади:
— **Ўзбекистон Республикасининг Ер, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари;**
— «**Фермер ҳўжалиги тўғрисида**», «**Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида**», «**Хусусий корхона тўғрисида**», «**Қишлоқ ҳўжалик корхоналари санацияси тўғрисида**», «**Лизинг тўғрисида**», «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида**», «**Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа турдош қонунчилик ҳужжатлари.

Аҳолининг рационал ишлаб чиқарувчилик бандлигини ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлаш

Партияимиз Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат ресурслар иқтисодиётнинг реал секторидида ишлаб чиқариш тармоқларига тўлиқ ва самарали жалб этилган тақдирда, ҳозирги босқичда зарур бўлган мамлакат иқтисодиёти ўсиши қўрсаткичларига амалда эришиш учун асосий кафолат ва бевоасита ишлаб чиқариш кучидир, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун, ҳар бир ишловчига унинг оиласини таъминлаш учун етарли меҳнат даромадини кафолатлайдиган, **меҳнатга қобилиятли аҳолининг рационал бандлигига эришиш** халқимиз турмуш

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

Роппа-роса бир йил аввал — Конституция куни нишонланаётган кезларда Президентимиз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилган ва бу тақдир муҳташам Туркистон саройини тўлдириб ўтирган одамлар томонидан қарсақлар билан қутиб олинган эди. Дарҳақиқат, шундан кейин ўтган бир йил меҳр-мурувватни кенг жорий қилишда жуда катта аҳамият касб этди. Аввало, бу гоёни амалга оширишга имкон берадиган Давлат дастури қабул қилинди. Унда ҳар хил саховат ишлари, қарияларга муттасил ёрдам кўрсатиш, ногиронларнинг эҳтиёжларидан хабар олиб туриш, муҳтожлар учун моддий кўмакни кўчатириш, уй-жойларини таъмирлаб бериш ва ҳоказолар кўзда тутилган эди. Бу эзу ниятлар учун миллиардлаб сўм пул ажратилди. Қанчадан-қанча одам меҳр-мурувват тадбирларидан бевоқиф баҳраманд бўлди ва кўнгли тоғдай ўсди.

Гап миллионлаб одамга хайр-эҳсонлар кўрсатиб, уларни саховатга бурқаб, кўнглини кўтаришда эмас. Албатта, бу ўз-ўзидан жуда муҳим нарса, лекин унинг аҳамияти фақат шу — муҳтожлар ва ногиронларнинг кўнглини кўтариш билангина белгилаб қолмайди. Биз фуқаролик жамияти қураётимиз. Бу жамиятда фақат моддий фаровонликка асосий белги бўлмайди. Бу жамият маънавий жиҳатдан ҳам фойда кўрсатиши керак. Қолаверса, маънавий қадриятлар, шу жумладан меҳр-мурувват, меҳр-шафқат бу жамиятнинг асоси, пойдеворини ташкил қилувчи қудратли кучга айланади.

Биз ўтган бир йил давомида шунга ишонч ҳосил қилдикки, меҳр-мурувват бир одамнинг иккинчи одамга кўрсатадиган эҳсонига эмас, балки у ҳар бир одамнинг руҳий дунёсидаги етакчи белгидир. Фуқаролик жамиятидаги ҳар бир одам ҳамма меҳр-мурувват, яхшилик, муҳаббат қонунига амал қилиб яшамоғи, фақат бир йил эмас, бутун умр давомида унинг қалбига эзулик байроғи ҳиллаб турмоғи керак. Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан бошлаб ҳар биримизни саоват иш қилишга, бу эзуликни қўнда қилишга, яхшилик қонунларига амал қилиб яшашга, эзулик йўлидан боришга даъват қилиб келди. Бу шунчаки тилда айтилган даъват эмас эди.

Афсусли, ХХ асрдаги ҳаёtimиз бизни кўп сифатлардан маҳрум қилди, биз одам одамга дўст, биродар эканини унутиб, ҳар бир кишига душманлик билан қарашни («дўстдан кўп душман») ўргандик, дийдаларимиз қотиб қолди, бировага шафқат қилиб, кўзимизга ёш келмади, ҳақимиз қаттиқ бўлиб қолди. Кўп ҳолларда бу иллатлар бизнинг асосий кўнчимизга айланди, ҳатто генларимизга ўрнашиб олди. Кўполлик,

дағаллик, бошқага ҳурмат деган нарсани оёқ-ости қилиш, бир-бирига душмандай муомала қилиш оддий нарсага айлана қолди. Янги, эркин, демократик дунёда бундай сифатларга ўрин бўлмаслиги керак.

Инсон энг азиз, энг ардоқли жонзот экан, у ҳурматга, севгига, меҳрга ҳақли. Бинобарин, Президент ўтган йилларимизни қимматли қадриятларимиз билан атаб, уларни ҳаётда ва қалбларимизда тиклашга даъват этган экан, бу билан у бизга одамийлик сабақларини берди, инсонийлик қадриятларини тиклашни кўзлади. Албатта, меҳр-шафқатли, мурувватли бўлиш,

шилиқ қонуни деб аташа ҳам бўлади. Дини исломда эса уларнинг ҳаммаси саоват ишлар деб аталган. Модомики шундоқ экан, агар сен ҳақиқий инсон бўлсанг, тилингда меҳр-мурувватни алқаб, дилингда шафқат-сизилка саҳжа қиладиган бўлишинг, юнон худоси Янулга ўшаб бир бетингда яхшилик нурлари ўйнаб, иккинчи юзингда зулм ўтлари чақнаши мумкин эмас. Бу иккиозламаликдан, мунофиқликдан ўзга нарса бўлмас эди.

Ҳўш, меҳр-мурувват, саховат ва эзулик нимадан бошланади? Менимча, ширин гапдан, табассумдан бошланади. «Ширин

пимни эшитинг, «ахир, ўзи ишла кетган ўрни турипти-ку», — дедим мен. Унинг жаҳли чиқиб кетди. «Иш йўқ дедимми — йўқ, Боринг!» У кўл силтаб хонасига кириб кетди.

Анчадан бери бунақа муомалани кўрмаган эдим. Ҳудди биродар тарсаки егандай изза бўлдим. Мен аравачамни унинг кетидан ҳайдалдим.

— Қанақа одамсиз ўзи? Бу қанақа муомала бўлди? Ахир, ишлаш мумкин бўлган жой дунёда фақат сизнинг институтингиз эмас-ку! Ахир, мен етмиш бешга кирган одамман. Сочининг оқи билан сизни ҳурмат қилиб келиб эдим. Эссиз профессорлик-а! Сизда ўқийдиганларнинг шўри курсин», — дедим.

айтишдан қайтмайдиган кишилар қораланган. Ривоят қилишларича, бир подшо туш қирлибди. Таъбирчилар бу тушни ёмонликка йўйишибди: — Подшоҳи олам, ҳамма бола-чақаларингиз сиздан олдин ўлиб кетар экан...

Бунақа башоратдан подшо қаттиқ ғазабланибди. Шу пайт афанди келиб қолди. Подшо унга ҳам тушини айтибди. — О подшоҳи олам, тушингиз жуда яхши, хайрли туш экан. Сизнинг умрингиз ҳамма бола-чақаларингизникидан узун бўларкан, — дебди афанди.


Подшо хурсанд бўлиб кетиб, афандига бош-оёқ сарпо кийдиришни буюрибди. Дарҳақиқат, узаро муомалада толиб гапирганга нима етсин? Ахир, қовоғингни солиб, пешонангни тириштириб туриб, дўқ-пўписа билан ўзгаларга меҳр улаша олмайсиз-ку! Ҳар қандай меҳр-мурувват ёнида, албатта бир жуфт ширин сўз ва бир жуфт майин табассум бўлмоғи шарт.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор — оддий фуқаролар ўртасида ҳамон кўрсалиқ, дағаллик, ҳеч бир сабабсиз-бошқасиз бир-бирини ранжитиш ҳолатлари учраб туради, бунга ҳам бир амаллаб чидаса бўлади. Лекин юксак рутбали мутасаддилар билан оддий одам ўртасидаги муомалада дағалликка, дўқ-пўписаларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айрим раҳбарларда оддий меҳнаткаш одамга дўқ-пўписа билан муомала қилмасанг у бирон топиширқини бажармайди, ҳамма ишга чан бериб кетади, деган нотўғри тушуна ҳукм суради. Холбуки, раҳбарнинг уқувсизлиги, умумий савиясининг пастлиги, сўз билан ишонтирмаслиги сабаби билангина шундай бўлмоғи мумкин.

Бу йил Қашқадарё вилояти пахта планини бажарди. Шу хушхабар эълон қилинаётган йўғинда бир пахтакор аёл ўрнидан туриб гоятда чўқур мамнуният билан «дўқ-пўписаларсиз ҳам режани бажарса бўлар экан-ку!» дебди. Ҳа, бўлади, албатта бўлади-да. Бунинг учун ўша жойнинг мутасаддиси ҳам билимдон, ҳам юксак маданиятли одам бўлмоғи керак. Афсусли, баъзан фалон жойнинг мутасаддиси фалончига кўл кўтаргани, болохонадор қилиб сўккани ҳақидаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бундай гапларни эшитганда мен ёниб кетаман, бу ахир ўта маданиятсизлик! Қаршингдаги одам сенга жавоб қайтаролмаслигини биллиб туриб, уни камситиш, таҳқирлаш, сўкиш номардликнинг ўзгинаси! Бундай қиладиган раҳбар бир зумда жуда майда, хашаки одамга айлана-қолади. У майда бозори даражасига тушиб қолади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қоҳрамони

(Давоми келгуси сонда)



МЕХР — НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

ШИРИН СЎЗДАН, МАЙИН ТАБАССУМДАН, БИР-БИРИМИЗГА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРДАН...

яхшилик ва эзулик қонуналар ўтган асрларда буткул йўқолиб кетгани йўқ эди, лекин улар шу қадар ожизланиб, заифлашиб қолган эдики, биз кўп ҳолларда инсоний белгиларимиздан маҳрум бўла бошлаган эдик. Наҳажада, ҳаётимиздан шойисталик кўриш ўрнига, ҳар қадамда туртина бошладик, тўхтовсиз азиятлар чекдик. Бундай маънавий худумларнинг бўшашиши жамиятда пораҳўрлик, ўғирлик, ичкиликбозлик, гийҳандлик, бузуқлик ва фалокатни авж олдириди. Одамлар ҳамма жойда ялписига қирланиб кетди.

Биз ўтган мустақиллик йилларида жамиятимизнинг иқтисодий асосларини тиклаш билан бирга, юқоридагидек маънавий устунларини тиклаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилдик, энг муҳими, бу ишлар бир йил-икки йил ичида ўтиб кетадиган ўткинчи кампания эмаслигини, балки астойдил, енг шимариб бу ишга киришиш лозимлигини, унинг даражасини доимо юқори тутиб боришимиз зарурлигини англадик.

Яна шунга англадикки, меҳр-мурувват, эзулик, олижаноблик алоҳида-аҳоҳида, бир-биридан ажралган қадриятлар эмас, балки бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тақозо қиладиган, бир-бирини тўлдирадиган сифатлардир. Шунинг учун уларни умумлаштириб, Ях-

гап билан ўлган инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқари», дейди халқимиз. Ширин гап, табассум муомала бозориде жуда аразон туради, лекин ҳар нарсадан қимматроқ баҳоланади. Ширин гап юракларни юмшатади, тилингнинг учиде турган дағал гапни, сўкишни қайтарди. Аксинча, қўпол одам, енгил муомалалик инсон — айниқса, у амалдор бўлса, турки жуда совуқ кўринади.

Яқинда бир институтнинг директори олдиға илтимос билан бордим. Унинг кабинети эшиги очик турганди. Икки киши билан нималарнидир узоқ гаплашди. Кейин қабулхонаға чиқиди, уни қутиб ўтирган уч кишига бир кўз югуртирди ва хотибга: «мен юқорига чиқиб кетяпман» деб эшикка юрди. Кутиб ўтирганларнинг биттаси кетиб бўлармикин? Меҳр тўғрисида гапириладиган гаплар унинг бир қулоғидан кириб, бошқасидан чиқиб кетса керак.

Умуман, меҳр-мурувватни жамият ҳаётига кенг сингдиришда инсоний мулоқот турларининг хиллари ҳам жуда катта ўрин эгаллайди. Бу айниқса, хушмуомалалик, узаро ҳурматга асосланган ширин сўзликдир. Шунинг эсда тутмоқ керакки, халқ ижодида ҳар қандай шароитда ҳам гапни суҳбатдошига аяб етказмайдиган, унга оғир ботадиган сўзларни

Бу гапларни унга қанчалик қор қилди — билмайман. Мен жуда қаттиқ хафа бўлдим. Узим учун эмас — унинг учун, унинг профессорлиги, катта амали, қолаверса, ўзбекилиги учун. У нега менга бундай муомала қилди? Ахир, арзим нимада эканини эшитгани ҳам йўқ-ку! Ёки бу шўрлик онадан шундай тутилгани? Ехуд ўша кунни уйдан хотини билан уришиб чиққанмикан? Ё эгаллаб турган амалига бир амаллаб чиқиб олган-у, энди унинг тепасидан туриб, ўтган-кетганға ҳайқаришни мартаба деб билармикин.

Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам, у шўрликка ачинмасдан илож йўқ, Тўғриси, қўлдан бери муомала маданиятининг бу даражада пастиде турган одамни кўрмагандим. Бундай одамдан меҳр-мурувват ёки яхшилик кутиб бўлармикин? Меҳр тўғрисида гапириладиган гаплар унинг бир қулоғидан кириб, бошқасидан чиқиб кетса керак.

Умуман, меҳр-мурувватни жамият ҳаётига кенг сингдиришда инсоний мулоқот турларининг хиллари ҳам жуда катта ўрин эгаллайди. Бу айниқса, хушмуомалалик, узаро ҳурматга асосланган ширин сўзликдир. Шунинг эсда тутмоқ керакки, халқ ижодида ҳар қандай шароитда ҳам гапни суҳбатдошига аяб етказмайдиган, унга оғир ботадиган сўзларни

Футбол

«ШҮРТАН» ВА «ТҮПОЛАНГ»

олий лигаға йўлланма олди

Авал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги «НБУ-Осиё» ва «Трактор» стадионларида олий лигаға ўтиш турнири бўлиб ўтди. Унда ўтган мавсумда биринчи лиганинг шарқий ва гарбий минтакаларида муваффақиятли тўп сурган «Цементчи» (Қувасой), «НБУ-Осиё» (Тошкент), «Шўртан» (Ғузор), «Тўполанг» (Сариосиё) жамоалари олий табақада қатнашиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланма учун кураш олиб борди.

Олий кун давом этган ўтиш турнирида чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этган «Шўртан» ва «Тўполанг» футболчилари ўз ишқибозларини хурсанд қилди. Олий лиганинг янги жамоаларини аниқлаб берган маъмур гуруҳ учрашуварларида қуйидаги натижалар қайд қилинди:

«Шўртан» — «Тўполанг» — 2:1; «Шўртан» — «Цементчи» — 2:0; «Шўртан» — «НБУ-Осиё» — 2:2; «Тўполанг» — «НБУ-Осиё» — 4:1; «Тўполанг» — «Цементчи» — 3:1; «НБУ-Осиё» — «Цементчи» — 1:1.

Table with 5 columns: Y (Yakuniy), J (Jadval), D (D), M (M), T-N (T-N), O (O). Rows include teams like Шўртан, Тўполанг, НБУ-Осиё, Цементчи.

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»

акциядорлари диққатига!

АТ «Алоқабанк» Қузатув Кенгаши 2004 йил 30 декабрь соат 10.00 да Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 28-А уйда жойлашган, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг мажлис заллида (4-қават) банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КҮН ТАРТИБИ:

- 1. АТ «Алоқабанк»нинг 2004 йил 11 ойлик иш фаолияти якунлари тўғрисида.
2. АТ «Алоқабанк»нинг 2004 йил 11 ойлик иш фаолияти якунлари бўйича фойдани тақсимлаш тўғрисида.
3. АТ «Алоқабанк» акциядорларига оралик дивидендларини тўлаш тўғрисида.
4. АТ «Алоқабанк» Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
5. Бошиқа масалалар.
Банк акциядорларини ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2004 йил 30 декабрь соат 9.00 дан 10.00 гача давом этади.

Advertisement for ALOQABANK with contact information: Қўшимча маълумот учун телефонлар: 152-78-06, 152-78-74. AT «Алоқабанк» Қузатув Кенгаши

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

Tahrir Hay'ati:

- Abdulla ORIPOV
Ashiddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norobbo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MIRODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМOKPАTIK PАRTIYASI MARKAZII KENGASHI

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbachi:

Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:

Ikrongjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar:

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 159

16259 nusxada bosildi

t — Tижорат materiali

O'zA yakuni — 21.00. Topshirish vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

даражасини оширишнинг бош йўналиши бўлмоғи лозим.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақлиф этади:

— Меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш, қабул қилиш;

— халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ишга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш минтақавий дастурларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси ва экологик фожиадан зарар кўрган Оролбўйининг бошқа туманларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлашни кўзда тутиш;

— мамлакатнинг ҳар бир минтақасида ўзимизда ишлаб чиқариладиган хомашёни истеъмол учун тайёр маҳсулот ҳолида ишлаб чиқарадиган корхоналарни, улардаги иш ўринлари сонига қараб, етарли микдорда ташкил қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини устувор молиялаштириш ва кредитлашни таъминлаш мақсадида инвестиция фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишга тегишли тузатишлар киритиш. Бунда, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қундалик эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ тўлдириш масаласини ҳал этишни назарда тутиш;

— ишлаб чиқариш объектларини хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчилик ва янги мулкдорлар томонидан ўз зиммаларига олган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини ўрнаттиш, корхона мулкдори алмашганда иш ўринларининг кескин қисқартирилиши ва ходимларни ижтимоий муҳофазалаш даражасининг пасайишидан ҳимоя қиладиган қону-

таъминловчи аниқ меъёрий-ҳуқуқий механизмларни яратиш учун ҳаракат қилади.

Шу муносабат билан, партия Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Фуқароларни давлат томонидан пенсия билан таъминлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунари ва бошқа турдош қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартишларни киритишни тақлиф этади.

Бунда партия ислохотларнинг бош мўлжали уларнинг натижасида аҳолининг реал даромадларини ҳар бир инсонга қундалик эҳтиёж моллари, асосий озиқ-овқат ва ҳаётий зарур хизматларни, жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларида истеъмолнинг умум қабул қилинган андоза ва меъёрларига мос кафолатлидиган даражага етказиш бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Ушбу муаммонинг устуворлиги нафақат мамлакатимиз аҳолиси ақсариятининг ижтимоий манфаатларидан, балки Ўзбекистоннинг халқро мажбуриятларидан ҳам келиб чиқади. Зотан, Ўзбекистон 2000 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган БМТнинг Мингйиллик саммитида, 189 та мамлакат қаторида, ушбу масалани 2015 йилгача бўлган даврда инсоният ривожланишининг саккизта мақсадидан бири сифатида белгиланган Минг йиллик декларациясини қўллаб-қувватлаган эди.

Партия ушбу мақсадга эришишни кафолатлаш учун давлат макроиқтисодий сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларида меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни тақлиф этади.

Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси аграр соҳани илгор агротехник технологияларни қўллаш

аҳолининг ижтимоий ҳимояси, ички ва ташқи меҳнат миграцияси, ишга жойлашишга муҳтож шахслар (ишсизлар)нинг ижтимоий мослашуви масалаларини тартибга солувчи қонунчиликка зарур қўшимча, ўзгартириш ва аниқликлар киритиш лозим.

Партия ушбу масалаларда қасаба уюшмаларини ўзининг табиий ижтимоий ҳамқори ҳисоблаб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ўз депутатлик тузилмалари орқали уларнинг тегишли манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Партия шунингдек, қасаба уюшмаларининг мақоми, ҳуқуқ ва ваколатларини халқро ҳуқуқнинг жаҳонда умум қабул қилинган меъёрлари ҳамда мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш эҳтиёжлари билан мувофиқлаштириш мақсадида «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқмоқчи.

Бюджет ва молия сиёсатини тақомиллаштириш

Ўзбекистон ХДП ўз депутатлик тузилмалари орқали, давлат ҳокимияти қонунчилик — вакиллик тармоғининг навбатдаги қаҳриғида бюджет ва молия сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга эришмоқчи. У қорхоналар ва аҳолининг солиқлар юқини енгиллаштиришнинг изчил ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ва уларни тўлиқ йиғилиши таъминлаш тарафидан ушбу қатъий нуқта назарга мувофиқ, партия қуйидагиларнинг амалга оширилиши учун ҳаракат қилади: — Мактаб таъминини ривожлантириш давлат

ган давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ҳам ўз сайловолди ҳужжатларида акс эттирилган ижтимоий аҳамиятга молик аниқ вазифаларни ҳал этишда бу устунликдан тўлиқ фойдалана олмадилар, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ислохотларнинг ҳозирги босқичида қуйидаги долзарб муаммоларни ҳал этишни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш масалаларига биринчи навбатда эътибор қаратмоқ лозим деб ҳисоблайди: — аҳолининг, айниқса ёшларнинг тўлиқ бандлигини таъминламаган ва кишиларни стийхияли тарзда қўшни мамлакатларга иш қидириб боришга мажбур қилаётган ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларда иш ўринларининг танқислиги;

— қишлоқда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқ мулкчилик ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини шакллантиришдаги қолоқлик;

— истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган моллар ва хизматлар билан тўлдириш даражасининг пастлиги;

— банк муассасалари томонидан кредитлар учун фойз ставкаларининг сунъий оширилиши натижасида ички истеъмол бозорини тўлдиришга ҳизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кредитлашнинг рентабеллигини йўққа чиқараётганлиги;

— асосий коммунал хизматлар нархлари устидан молия ва монополиядан чиқариш органлари томонидан назоратнинг қонқарсизлиги.

Партия ислохотларнинг ҳозирги босқичида бу муаммоларнинг маъвудлиги учун асосий сабаб бошқарув аппарати томонидан қонунлар, мамлакат Пре-